

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**Бухоро озик – овкат ва енгил саноат технологияси
институту**

«Умумий кимё» кафедраси

Гуламова М.Т.

**Озик-овкат технологияси йуналиши сиртки таълим шакли
талабалари учун «Аналитик кимё» фанидан назорат ишларини
бажариш буйича**

Услубий курсатма

Бухоро – 2004

Такризчилар:

Гафуров Р. институтнинг «Умумий кимё»

кафедраси доценти

Исабоев И.Б. институтнинг «Ёғ ва мойлар

технологияси» кафедраси доценти

Услубий курсатма Бухоро ОО ва ЕСТИ «Умумий кимё» кафедраси
(2004 йил _____ январ баённома № _____) ва институт услубий кенгашида
(2004 йил _____ январ баённома № _____) йигилишларида тасдиқланган ва
чоп этишга тавсия этилган.

Аннотация

Услубий курсатмада фаннинг мохияти, усуллари тугрисида қисқача
изоҳ, фан бўйича уқув-ишчи дастур, фан бўйича баҳолаш меъзони, талабанинг
мушкул вариант танлай олиши учун умумий услубий курсатма, вариантдаги
саволларга жавоб ёзиш учун асосий ва қўшимча адабиётлар, масала ва
машқларни ёзиш учун намуналар келтирилган.

М У Н Д А Р И Ж А

1. КИРИШ	4
2. Аналитик кимёдан ишчи дастури	5
3. Фан буйича укув - услубий маълумотлар	9
4. Фан буйича баҳолаш мезони	10
5. Умумий услубий курсатмалар	10
6. Назорат ишни бажаришда риоя килиниши шарт булган талаблар	11
7. МАСАЛА ВА МАШКЛАР	12
8. Оралиг назорат ишларнинг вариантлари.....	39
9. АЙРИМ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШГА ДОИР НАМУНАЛАР	43
10. ИЛОВАЛАР	50

1. КИРИШ

Аналитик кимё - моддаларнинг сифат ва микдор таркибини анализ қилишнинг назарий асослари ва усуллари ўрганадиган фандир. Аналитик кимё сифат ва микдор анализидан иборат. Сифат анализининг вазифаси таркиби номаълум модда ёки аралашманинг таркибий қисмларини, яъни у қандай элемент ёки ионлардан таркиб топганини аниқлашдир. Микдорий анализнинг вазифаси – моддадаги ёки аралашмадаги бир ёки бир неча таркибий қисмлар микдорини аниқлаш.

Сифат анализи одатда микдорий анализдан олдин ўрганилади, чунки текшириладиган модданинг олдиндан, маълум бўлган бирорта таркибий қисмининг фоиз микдорини аниқлаш зарур бўлганда ҳам, сифат таркибини ўрганмай аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун моддаларни анализ қилишга доир муаммоларни кимёвий, физикавий ва физик-кимёвий усулларни қўллаш билан хал этиш мумкин.

Кимёвий усул билан иш қўрилганда аниқланиши лозим бўлган элемент ёки ион ўзига хос хусусиятли бирор бирикмага айлантирилади ва айни бирикма ҳосил бўлганлиги асосида ҳулоса қилинади. Анализнинг физикавий усуллари модданинг кимёвий таркиби билан унинг айрим физикавий хоссалари ўртасидаги боғланишдан фойдаланишга асосланган (спектрал, люминесцент, рентгеноструктура ва ҳоказо.).

Анализнинг физик-кимёвий усуллари модданинг кимёвий реакциялар жараёнида физикавий хоссаларининг ўзгаришини аниқлашга асосланган. Бу уччала анализ усуллари орасига ҳамма вақт кескин чегара қўйиб бўлмайди. Баъзан физикавий ва физик-кимёвий анализ усуллари инструментал анализ усуллари дейилади. (спектрал, электрокимёвий, хроматографик, экстракция ва бошқалар).

2. Аналитик кимёдан ишчи дастури

Аналитик кимё фанининг максоди ва унинг укув жараёнидаги урни

Фанни уқитишдан мақсад:

Кимёвий ва озик-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган технологик жараёнларга боғлиқ бўлган замонавий анализ усуллари билан танишиш ва уларни урганиш.

Фаннинг урганадиган муаммолари: Талабаларнинг мутахассислигига тегишли махсус фанларни урганиш ва иш фаолиятида фойдаланиш учун кимёвий системаларнинг асосий тушунча ва қонуниятлари, моддаларнинг аналитик хоссалари, қом ашё ва маҳсулотни идентификациялаш ва назорат қилиш, олинган анализ натижаларини ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда математик қайта ишлаш қуникмаларини ҳосил қилиб, ҳамда кимёвий фикрлаш қобилятини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги: Аналитик кимё фани қупгина фанлар билан боғлиқ, айниқса физика, математика, биокимё фанлари билан тақомиллашади.

Фаннинг таркиби.

Мавзунинг номи, уларнинг мазмуни ва таънч иборалари, уларга ажратилган қоатлар миқдори.

1. Маъруза. Қириш. Кимёвий анализ. Аналитик кимёнинг назарий асоси. Ғамлоген системаларда мувозанат.

Аналитик кимё фани ва унинг усуллари. Сифат ва миқдор анализи. Умумий ва хусусий реакциялар. Аналитик реакцияларнинг сезгирлиги ва узига ҳослиги. Гуруҳ реагенти. Ионлар классификацияси. Элементларнинг даврий системадаги урни билан уларнинг аналитик хоссалари орасидаги боғлиқлиги.

Кимёвий мувозанат. Массалар таъсири қонуни. Электродитик диссоциланиш. Сувнинг ион қупайтмаси. рН ва рОН ҳақида тушунча Буфер эритмалар. Буфер эритмаларнинг рН вар ОН ҳисоблаш. Буфер эритмалардан аналитик кимёда фойдаланиш. Тузларнинг гидролизи. Гидролизланган туз эритмаларини рН вар ОН ини ҳисоблаш. Гидролиздан аналитик кимёда фойдаланиш. Амфотерлик. Амфотерликдан аналитик кимёда фойдаланиш.

(2-соат).

2. Маъруза: Гетероген системаларда мувозанат. Комплекс бирикмалар

Чуктириш кимёвий анализ усули. Эрувчанлик қупайтмаси ва ундан кимёвий анализда фойдаланиш. Чукмаларнинг эришига таъсир қилувчи омиллар. Туз эффекти. Комплекс бирикмалар ва уларни ҳосил қилиш реакцияларнинг назарий асослари. Барқарорлик доимийси. Аналитик кимёда комплекс бирикмалардан фойдаланиш. Ички комплекс бирикмалар.

(1 соат)

Микдорий анализ. Тортма анализ.

Микдорий анализ. Микдорий анализ усуллари: Кимевий (тортма, ҳажмий), физикавий ва физик - кимёвий. Микдорий а нализдаги ҳатолар. Олинган анализ натижаларини математик статистика усули билан қайта ишлаш. Тортма анализ ва унинг турлари. Тортиладиган ва чуктириладиган шакллар ва уларга қуйилган талаблар. Аморф ва кристалл чукмалар ҳосил булишнинг шарт-шароитлари. Тортма анализнинг афзалликлари ва камчиликлари. Тортма анализдаги ҳисоблашлар

(1 соат)

3. Маъруза: Титриметрик анализ.

Эритма концентрациясини ифодалаш усуллари. Титриметрик анализнинг турлари, титрлаш усуллари. Титриметрик анализнинг бажарилиш тартиби. Ҳажмий анализда борадиган реакцияларга қуйилган талаблар, стандарт эритмалар ва уларга қуйилган талаблар. Кислота асосли титрлаш

усулининг моҳияти. Эквивалент нукта ва уни аниклаш усуллари. Кислота-асосли индикаторлар. Титрлаш эгри чизиклари. Озик-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини кимёвий назорат қилишда кислота - асосли титрлашдан фойдаланиш.

Титриметрик анализнинг оксидланиш - қайтарилиш усули

Оксидланиш - қайтарилиш усулларининг моҳияти ва турлари. Асосий оксидловчи ва қайтарувчилар. Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг мувозанат доимийси, оксидланиш - қайтарилиш потенциаллари ва унга таъсир қилувчи омиллар. Нернст тенгламаси. Оксидланиш - қайтарилиш реакциясининг йуналишини аниклаш. Перманганатометрик титрлаш усулининг моҳияти. Оксидланиш-қайтарилиш индикаторлари. Перманганатометрик титрлаш усули билан моддалар миқдорини аниклаш.

Чуктириш ва комплекс ҳосил қилиш усули

Титриметрик анализдаги чуктириш ва комплекс ҳосил қилиш усулининг моҳияти ва турлари. Комплексонометрик анализ усулининг моҳияти. Комплексонлар тугрисида тушунча. Комплексонометрик анализ усулининг назарий асослари. Комплексонометрик титрлашда эритма муҳитининг (рН) таъсири, эквивалент нуктани аниклаш усуллари. Металл - индикаторлар. Аналитик кимёда комплексонометрик титрлашдан фойдаланиш

(1-соат)

4-Маъруза: Физик - кимёвий анализ усуллари

Физик - кимёвий анализ усуллари. Потенциометрик анализ усулининг моҳияти. Электроднинг турлари. Гальваник элемент. Тугри потенциометрия. Потенциометрик титрлаш ва титрлаш эгри чизиклари. Эквивалент нуктани аниклаш. Потенциометрик титрлашда борадиган реакциялар ва уларга қўйилган талаблар. Потенциометрик титрлашнинг ишлатиш соҳалари. Потенциометрик титрлашнинг афзаллиги ва камчиликлари

Оптик анализ усули

Оптик анализ усулининг турлари. Фотометрик усулнинг мохияти Бугер-Ламберт-Бер конуни. Моляр нур ютилиш конунидан четланишлар. Ёруглик ютилишининг адитивлик конуни. Оптик анализ усулида модда микдорини аниклаш усуллари. Фотоэлементлар ва уларнинг ишлатилиши, еруглик фильтри ва уни танлаш. Фотометрик анализ усулнинг ишлатилиш сохалари. Фотометрик усулнинг афзаллиги ва камчиликлари.

Ажратиш ва концентрлаш усули

Аналитнинг хроматография усули. Хроматографик анализ усулининг синфлари. Адсорбцияланиш хроматографияси. Когоз хроматографияси. Ион алмашилиш хроматографияси. Ионларнинг алмашилиш хусусиятига таъсир килувчи омиллар. Ионитнинг ион алмашилиш сизими. Хроматографик анализ усулининг ишлатилиши ва афзалликлари.

Экстракциянинг анализ усулининг назарий асоси. Экстракция анализ усулининг ишлатилиши ва афзалликлари. Асосий экстрагентлар.

Аналитик кимё фани бўйича бажариладиган лаборатория - тажриба ишлар руйхати (16-соат)

№	Дарс мавзуси (Ишнинг номи)	Ажратилган соат
1	Аналитик кимё лабораториясида ишлаш ва хавфсизлик техникаси қоидалари	
2	Биринчи ва иккинчи аналитик гуруҳ катионларининг хусусий реакциялари	1
3	Учинчи аналитик гуруҳ катионларининг хусусий реакциялари	2
4	Учинчи гуруҳ катионлари аралашмасининг анализи	1
5	Тортма анализ билан кристаллогидратлар ва озик-овқат маҳсулотлари (бугдойнинг, ноннинг намлигини) таркибидаги сувнинг микдорини аниклаш. (масалалар ечиш)	3
6	Титриметрик анализ. Кислота-асосли усул NaOH эритмасининг титрини аниклаш Моддаларнинг кислоталилигини аниклаш а) Сирка таркибидаги сирка кислота микдорини аниклаш б) Сутнинг кислоталилигини аниклаш	2

	в) Катикнинг кислоталилигини аниклаш г) Муз каймокнинг кислоталилигини аниклаш д) Ноннинг кислоталилигини аниклаш	
7	Перманганометрик усулда кайтарувчилар микдорини аниклаш. Мор тузи ва олма шарбати таркибидаги темир микдорини аниклаш	2
8	Комплексонометрик усулда сувнинг умумий каттиклигини, озик-овкат махсулотларидаги (сут) кальций ва магний микдорини аниклаш (масалалар ечиш)	1
9	Потенциометрия. Озик-овкат махсулотлари рН ини ва нитрат, хлорид, кальций, калий ионларнинг микдорини аниклаш.	2
10	Фотоколориметрик усул ёрдамида Мор тузи таркибидаги Fe^{2+} микдорини сут таркибидаги фосфорни аниклаш.	3

3. Фан буйича укув - услубий маълумотлар

Асосий ва қушимча адабиётлар

1. М.Миркомилова «Аналитик кимё» Т., Ўзбекистон 1996.-335
2. М.Миркомилова «Аналитик кимё» Т.,Ўзбекистон 2001. – 415
3. Назаров Ш.Н. Аминов З.А. «Аналитик химия» Т. «Укитувчи» 1984.-346
4. Ш.Т.Талипов Х.Ш.Хусаинов «Аналитик химиядан масала ва машқлар туплами » Т. Укитувчи 1984. –220

Маъруза матнлари, услубий қўлланма ва курсатмалар

1. «Аналитик кимё» фани буйича маъруза матнлари. Проф.Норов Ш.К., доц.Гуламова М.Т. Бухоро, 2000
2. Аналитик химия. 1 қисм. Сифат анализдан методик қўлланма. Проф. Норов Ш.К., доц.Гуламова М.Т. Бухоро, 1990
3. Аналитик химия. 2 қисм. Микдорий анализдан методик қўлланма. Проф. Норов Ш.К., доц.Гуламова М.Т. бухоро, 1990
4. Методические указания к самостоятельно работе и контрольные задания по аналитической химии (часть 2) –Инструментальные методы

- анализа) для студентов технологических специальностей. Проф. Норов Ш.К., доц.Ниязхонов Т.Н., доц.Гуламова М.Т. Бухара, 1990
5. «Аналитик кимё» фанидан услубий курсатма. Доц.Гуламова М.Т.,доц.Шодиев У.М.,доц.Атоев И.Х. бухоро, 1991
 6. Аналитик химия (физико-химиявий анализ усуллар). Проф.Норов Ш.К., доц.Гуламова М.Т.,доц.Каримов М.М. бухоро, 1993
 7. Аналитик химия. Физико-химиявий анализ усули. Хроматография ва экстракция анализ усуллари буйича услубий кулланма. Доц. Гуламова М.Т., доц.Атоев И.Х. бухоро, 1999
 8. Аналитик кимё «Таянч» ибораларига асосланган ёзма ишни утказиш буйича тавсия проф. Норов Ш.К., доц.Гуламова М.Т. бухоро, 2001
 9. Аналитик кимё. Сифат анализидан услубий курсатма. Проф.Норов Ш.К., доц.Гуламова М.Т., доц.Мухаммадиев Б.Т., Бухоро, 2001

4. Фан буйича баҳолаш мезони

1. Куйилган саволга талаба тулик жавоб берганда, реакцияларнинг механизми келтирилганда, кимёвий коида ва конунларнинг мохияти тулик очиб бергандаги рейтинги – 86-100 %.
2. Жавоб тулик ифодаланган, лекин реакцияларни тахлил килишда чукур фикр юритиш охиригача олиб борилмагандаги рейтинг 72-85 %.
3. Реакцияларни ёзишда ва уларнинг механизмларини ифодалашда баъзи бир хатоларга йул куйганда, тахлил килиш юзаки олиб борилганда рейтинг 56-71 %.
4. Жавобларда камчиликлар куп, реакцияларда хатоликлар мавжуд ёки умуман ифодаланмагандаги рейтинг 0-55 % гача.

5. Умумий услубий курсатмалар

1. Аналитик кимё курсини урганишда талабалар дастур булимига оид услубий курсатмалар ва адабиётлар билан тула танишиб чиқиши керак.

2. Адабиётлар билан танишганда талабалар асосий маълумотларни конспектлаштиришлари, ҳар бир усулларнинг моҳиятига назарий асосларига ва ишлатиш соҳаларига купрок эътибор бериши керак.

3. Курсни урганиш пайтида баъзи бир кийинчилик ва тушунмаган саволлар пайдо бўлса, уларни ҳал қилиш учун курсатилган адабиётлардан фойдаланиши ёки Бухоро озик-овқат ва енгил саноати технология институти «Умумий кимё» кафедраси уқитувчиларига мурожаат қилиши мумкин.

4. Берилган мавзуларни чуқур урганиб, уларнинг моҳиятини тулиқ тушуниб етгандан кейингина назорат ишларни бажаришга киришиши мумкин.

6. Назорат ишни бажаришда риоя қилиниши шарт бўлган талаблар

1. Назорат ишнинг варианти талабани талабалик гувоҳномаси раками охириги икки ракамига мос ҳолда олиниши керак. Масалан, талабанинг талабалик гувоҳномаси раками 2545 бўлса, у 45 ракамли вариантга тегишли топшириқларни ёзиб олиши керак.

2. Масалаларнинг шартига кура даражалаш чизиклари махсус миллиметрли коғозда чизилади.

3. Агар топшириқни ечишда формулалар ишлатилса, шу формулаларни умумий қуринишда ёзиб, ундаги барча катталиқга изох бериб, керакли ҳисоблашларни амалга ошириш керак.

4. Ҳар бир масалани ечишда қулланилган узгартиришларни асослаб бериш лозим.

5. Назарий саволларга қисқа ва тулиқ жавоб ёзиш керак.

Мустақил иш алоҳида дафтарда ёзилиши варақ четига ҳатоларни курсатиш учун етарли жой қолдирилиши керак. Дафтар юзида қуллиёт номи, гуруҳ раками талабанинг исми, отасининг исми ва манзилгоҳи ёзилиши лозим. Масалаларнинг шартлари мустақил ишда келтирилган ракамда ёзилиб кейин унга жавоб ёзилиши керак ва охирида топшириқни бажариш учун

фойдаланилган адабиётлар руйхатини ёзиб, иш бажарилган сана ва талабанинг шахсий имзоси қуйилиши шарт.

7. МАСАЛА ВА МАШҚЛАР

1. Сифат анализининг моҳияти, предмети ва вазифалари ҳақида қисқача тушунча беринг?
2. Қандай реакцияларга аналитик реакциялар дейилади? Аналитик реакцияларнинг очилиш минимуми, сезгирлиги ва ўзига хослиги тушунчаларини мисоллар билан тушунтиринг.
3. Аналитик гуруҳ ва гуруҳ реагенти нима? Катионларнинг гуруҳларга тақсимланиши нимага асосланган.
4. Биринчи аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.
5. NH_4^+ ва Mn^{2+} ионларини ўзига хос реакция тенгламаларини ёзинг.
6. Нима учун K^+ ионини $Na_3[Co(NO_2)_6]$ билан ишқорий ёки қучли кислотали муҳитда очиб бўлмайди?
7. Калий фосфат билан натрий кобальтинитрит орасида борадиган аналитик реакция тенгламасини ёзинг.
8. Mg^{2+} ионини II аналитик гуруҳ катионлари бўлган эритмадан Na_2HPO_4 таъсирида очиш мумкинми? Жавобингизни изоҳлаб, тегишли реакция тенгламаларни молекуляр ва ионли кўринишда ёзинг. (ЭК қийматларини кўрсатинг).
9. Қуйидаги реакцияларни тугатиб молекуляр ва ионли кўринишда ёзинг.
 - а) $CH_3COONa + HCl =$
 - б) $BaCl_2 + K_2Cr_2O_7 + H_2O =$
 - в) $CaC_2O_4 + HCl =$
 - г) $NH_4Cl + Na_2CO_3 + H_2O =$
10. Массалар таъсири қонунини таърифланг. Унинг аналитик қимёдаги аҳамиятини тушунтиринг. ($K_{мувозанат}$)
11. Электролитик диссоциация нима ($K_{дисс.}$)? Қучли электролитларни диссоциацияланиш константаси тўғрисида гапириш мумкинми?
12. Сувнинг ион қўпайтмаси. pH ва pOH ҳақида тушунча беринг.

- 13.Буфер эритма нима? Буфер эритмаларда $[H^+]$ $[OH^-]$ pH ва pOH кандай хисобланади?
- 14.Буфер эритмалардан аналитик кимёда фойдаланиш.
- 15.Тузларнинг гидролизи нима? Тузлар гидролизидан аналитик кимёда фойдаланиш. Гидролиз жараёнида мувозанатнинг силжиши ва pH кийматининг ўзгариши.
- 16.Туз гидролизидан аналитик кимёда фойдаланиш.
- 17.Амфотер электролитлардан аналитик кимёда фойдаланиш.
- 18.II аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.
- 19.Нима учун Ba^{2+} нинг Ca^{2+} дан $K_2Cr_2O_7$ таъсирида ажратишда CH_3COONa қўшилади. CH_3COONa ни $NaOH$ га алмаштира бўладими?
- 20.II аналитик гуруҳ катионларига гуруҳ реагентининг таъсири.
- 21.0,2 г $NaOH$ бўлган 500 мл эритманинг нормал ва моляр концентрацияси, pH и, титрини хисобланг.
- 22.Чумоли кислотанинг 0,2 н эритмасида $[H^+] = 0,002$ г- ион/л га тенг бўлса, унинг диссоциаланиш даражасини топинг.
23. CH_3COOH ни 0,001 н эритмасида H^+ ионлари концентрациясини топинг.
- 24.Эритмадаги H^+ ионлари концентрация $1,5 \cdot 10^{-5}$ г-ион/л га тенг бўлса эритманинг pH ини хисобланг.
- 25.50 мл сувда 1,2 гр KOH эритилди. Эритманинг pH, pOH кийматларини хисобланг.
- 26.0,025 н NH_4Cl эритмасининг pH, pOH кийматларини хисобланг.
27. NH_4OH нинг 0,1 н эритмасидаги H^+ ионлари концентрациясини хисобланг.
- 28.0,1 н 50 мл HCN кислота эритмасига 25 мл 0,05 н HCN эритмаси аралаштирилиб эритма хажми 1 л гача суюлтирилди. Шу эритманинг $[H^+]$, pH кийматларини хисобланг.
- 29.pH киймати 5 га тенг бўлган эритманинг OH^- ионлари концентрациясини хисобланг.
- 30.pH киймати II га тенг эритманинг H^+ , OH^- ионлари концентрациясини хисобланг.

31. 25 мл 4% ли HCl эритмасини ($d = 1,73$) 1 л гача суюлтирилди. хосил бўлган эритманинг $[H^+]$ ва pH кийматларини хисобланг.
32. 1 л эритмада 2,6 гр аммиак эриган бўлса, шу эритманинг кийматини хисобланг.
33. 30 мл 0,001 н KOH эритмасини 75 мл гача суюлтирилди. Хосил бўлган эритманинг pH кийматини хисобланг.
34. 100 мл 0,03 м NH_4Cl эритмасига NH_4OH нинг 0,04 м эритмасидан 50 мл кўшилган. Буфер эритмадаги OH^- ва H^+ ионлари концентрациясини топинг.
35. 0,025 м H_2SO_4 эритмаси сув билан 10 марта суюлтирилганда эритманинг pH киймати кандай ўзгаради? Жавобингизни тегишли хисоблашлар билан асосланг.
36. 1 л сувга 60,05 г CH_3COOH ва 82,03 г CH_3COONa эритилди. Эритманинг pH ини хисобланг.
37. Эритмада 0,045 моль/л NH_4OH ва 0,2 моль/л NH_4Cl бор. Шу эритманинг pH кийматини топинг.
38. 25 мл 0,2 н CH_3COOH ва 20 мл 0,15 н CH_3COONa эритмаси аралашмасидан иборат буфер эритмадаги $[H^+]$ ва pH кийматини хисобланг.
39. 50 мл 0,3 н NH_4Cl ва 30 мл 0,25 н NH_4OH эритмаси аралашмасидан иборат буфер эритмадаги $[OH^-]$ ва pH кийматини хисобланг.
40. Ацетатли буфер эритма тайерлаш учун CH_3COOH нинг 0,15 н 100 мл эритмаси билан CH_3COOK нинг 0,8 н 50 мл эритмаси аралаштирилди. Эритманинг pH кийматини хисобланг.
41. 1 л сувда 22 гр $HCOOH$ ва 21 гр $HCOOK$ эритилди. Кандай эритма хосил бўлади? Эритманинг pH кийматини топинг.
42. 0,056 моль/л NH_4OH ва 0,1 моль/л NH_4Cl дан иборат буфер эритманинг pH кийматини топинг.
43. 0,1 н NH_4Cl эритмасининг pH киймати ва тузнинг гидролизланиш даражасини топинг ($K_{асос} = 1,78 \cdot 10^{-5}$).

- 44.0,2 н KCN эритмасининг рН киймати, гидролизланиш даражаси ва константасини хисобланг ($K_{кисл} = 7,2 \cdot 10^{-10}$).
- 45.0,2 н $HCOOK$ эритмасининг рН киймати ва тузнинг гидролизланиш даражасини хисобланг ($K_{кисл} = 1,8 \cdot 10^{-4}$).
- 46.0,5 н CH_3COONa эритмасининг рН киймати ва тузнинг гидролизланиш даражасини хисобланг ($K_{кисл} = 1,85 \cdot 10^{-5}$).
- 47.0,25 н CH_3COONH_4 эритмасининг рН киймати ва тузнинг гидролизланиш даражасини хисобланг ($K_{кисл} = 1,85 \cdot 10^{-5}$).
48. CH_3COOK , $(NH_4)_2CO_3$, K_2SO_3 тузларнинг 0,05 м эритмаларида гидролизланиш даражаларини хисобланг.
- 49.Нима учун чўктириш кимёвий анализ усулларида бири бўлиб хисобланади.
- 50.Эрувчанлик кўпайтмаси нима?
- 51.Эрувчанлик кўпайтмасига кандай омиллар таъсир қилади.
- 52.Эрувчанлик. Эрувчанликка кандай омиллар таъсир қилади.
- 53.Чўкмаларни ҳосил бўлиш шартлари.
- 54.Тўла чўкишга кандай омиллар таъсир қилади.
- 55.Туз эффекти нима.
- 56.Комплекс бирикмалар ва уларнинг берқарорлик константалари.
- 57.Ички комплекс бирикмалар нима?
- 58.Комплекс бирикмалардан аналитик кимёда фойдаланиш.
- 59.Оксидланиш-кайтарилиш реакцияси.
- 60.Асосий оксидловчи ва кайтарувчилар.
- 61.Нормал оксидланиш-кайтарилиш потенциалли.
- 62.Нернст тенгламаси.
- 63.Оксидланиш-кайтарилиш реакцияларнинг йўналишини аниқлаш.
- 64.Оксидланиш-кайтарилиш реакцияларидан аналитик кимёда фойдаланиш.
- 65.III аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.
- 66.III аналитик гуруҳ катионларига гуруҳ реагентининг таъсири.

67. Al^{3+} ва Mn^{2+} ионларига $(NH_4)_2S$ таъсир эттирилганда қайси ион чўкмага тушади? Сабабини тушунтиринг.
68. Al^{3+} ва Zn^{2+} ионларига Na_2CO_3 ва CH_3COONa билан сувли мухитда ўзаро таъсир реакция тенгламасини ёзинг.
69. III аналитик гуруҳ катионлари аралашмасига $(NH_4)_2S$ таъсир эттирилганда қора чўкма ҳосил бўлмаса, қайси катионлар эритмада бўлмайди.
70. IV аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.
71. IV аналитик гуруҳ катионларига гуруҳ реагентининг таъсири.
72. V аналитик гуруҳ катионларига умумий тавсиф беринг.
73. V аналитик гуруҳ катионларининг гуруҳ реагенти таъсирида системали анализ қилиб, изоҳ беринг.
74. Анионларнинг гуруҳларга тақсимланиши.
75. $SnCO_3$ нинг сувда эрувчанлиги 0,0078 г/л га тенглигини билган ҳолда унинг ЭК қийматини ҳисобланг.
76. $Fe(OH)_2$ нинг сувда эрувчанлик қўпайтмаси $2,0 \cdot 10^{-10}$ га тенглигини билган ҳолда, унинг тўйинган эритмасидаги Fe^{2+} ва OH^- ионлари концентрациясини ҳисобланг.
77. $AgCl$ нинг ЭК қиймати $1,1 \cdot 10^{-10}$ эканлигини билган ҳолда унинг эрувчанлигини г/л ва моль/л да ҳисобланг.
78. $Pb(NO_3)_2$ нинг 0,01 н эритмасига тенг ҳажмда: а) KCl нинг 0,02 н эритмасидан; б) KCl нинг 0,3 н эритмасидан қўшилганда чўкма тушиш ёки тушмаслигини исботланг.
79. Агар $NaCl$ билан NaJ 0,2 М ли эритмалари аралашмасига аста-секин $AgNO_3$ эритмаси қўшилса, қайси модда аввал чўкмага тушади? ($ЭК_{AgCl} = 1,1 \cdot 10^{-10}$, $ЭК_{AgJ} = 1,0 \cdot 10^{-16}$)
80. Агар бир хил концентрацияли Ba^{2+} ва Sr^{2+} ионлари аралашмасига аста-секин H_2SO_4 қўшилса, қандай модда аввал чўкмага тушади? Нима учун?
81. 50 мл 0,5 м K_2CrO_4 ва 0,005 м $AgNO_3$ эритмалари аралаштирилди. Чўкма ҳосил бўладими. Жавобингизни асосланг. ($ЭК_{Ag_2CrO_4} = 8,8 \cdot 10^{-12}$).

82. $PbCl_2$ нинг ЭК киймати $2,4 \cdot 10^{-4}$ га тенг. Унинг эрувчанлигини г/л ва моль/л да хисобланг.
83. 45 мл 0,04 м KCl ва 35 мл 0,02 м $Pb(NO_3)_2$ эритмалари аралаштирилди. Чўкма хосил бўладими? Жавобингизни асосланг.
84. $CaC_2O_4 \cdot 2H_2O$ нинг эрувчанлик кўпайтмаси $2 \cdot 10^{-9}$ га тенг. Унинг эрувчанлигини г/л ва моль/л да хисобланг.
85. AgI нинг эрувчанлик кўпайтмаси $1,5 \cdot 10^{-16}$ эканлигини билган холда унинг эрувчанлигини г/л ва моль/л да хисобланг.
86. Тортма анализ нимага асосланган?
87. Тортма анализнинг кандай усуллари биласиз?
88. Чўктириладиган ва тортиладиган шакл нима? Мисоллар келтиринг.
89. Чўктириладиган ва тортиладиган шаклларга кандай талаблар қўйилади?
90. Кристалл ва аморф чўкмаларни чўктириш шарт-шароитларини тушунтиринг.
91. Чўктирувчини танлаш ва унга қўйилган асосий талаблар.
92. Тортма анализнинг афзалликлари ва камчиликларини кўрсатинг.
93. Тортма анализда чўкмаларни ювиш учун кандай эритмалар ишлатилади. Мисоллар келтиринг.
94. Гравиметрик анализда учрайдиган хатоларнинг асосий манбаларини кўрсатинг.
95. Моддалар микдорини аниқлашда йўл қўйиладиган хатоларнинг кандай турларини биласиз.
96. Ўлчашнинг нисбий ва абсолют хатоси нима? Мисоллар келтиринг.
97. Магнийни $Mg_2P_2O_7$ холида аниқлаш учун хосил бўлган чўкма массаси 0,75 г га тенг, бўлиши учун $MgCl_2$ дан кандай микдорда олиш керак?
98. 0,055 г $AgCl$ чўкмаси хосил қилиш учун 1% ли $NaCl$ эритмасидан канча хажмда олиш керак?
99. 0,25 г Ca^{2+} ни чўктириш учун 10%-ли $Na_2C_2O_4$ эритмасидан неча мл керак?

100. Таркибида 22% Ag бўлган 2,0 г котишмадаги Ag ни $AgCl$ кўринишида чўктириш учун ($d = 1,17 \text{ г/см}^3$) неча мл HCl керак?
101. Магnezит намунаси анализ килинганда 0,2514 г $Mg_2P_2O_7$ чўкмаси ҳосил килинди. Намунада неча грамм магний бор?
102. Доломитнинг 2,0 г намунасида 0,7505 г кальций оксиди ҳосил килинди. Доломит таркибидаги $CaCO_3$ нинг % микдорини ҳисобланг.
103. Аралашма таркибида 50 % хлор бор. 0,50 г $AgCl$ олиш учун шу аралашмадан канча олиш керак?
104. 0,093 гр куритилган алюминий оксиди ҳосил қилиш учун $Al_2(SO_4)_3$ нинг 0,05 н ли эритмасидан неча миллилитр олиш керак?
105. 1 г темир-аммонийли аччиктош $(NH_4)Fe(SO_4)_2 \cdot 12H_2O$ ни эритишдан ҳосил бўлган эритмадан темирни чўктириш учун аммиакнинг 2,5 % ($\rho = 0,99 \text{ г/см}^3$) бўлган эритмасидан неча миллилитр олиш керак?
106. $NaCl$ нинг 0,12 г намунасидаги хлорид-ионларини тўла чўктириш учун 0,1 М $AgNO_3$ дан неча мл олиш керак?
107. Куритилган $PbMoO_4$ нинг массаси 0,3624 г келади. Чўкмадаги кўргошиннинг массасини граммларда ҳисобланг.
108. 0,5844 г $BaCrO_4$ таркибидаги хромнинг микдорини % ва граммларда ҳисобланг.
109. Калий тузининг эритмасидан $KClO_4$ чўкмаси олинди. куритилган чўкманинг массаси 0,1526 г эканлигини билган ҳолда, эритмадаги калийнинг массаси топинг.
110. 0,5437 г анализ қилинаётганда модда эритмасидан 0,6343 гр $AgCl$ чўктирилди. Анализ қилинаётган модда таркибида неча грамм хлор борлигини топинг.
111. 1,5495 г магnezитни қайта ишлашларидан кейин 1,3982 г куритилган $Mg_2P_2O_7$ олинди. Магnezит таркибидаги $MgCO_3$ нинг микдорини граммларда ҳисобланг.
112. Таркибида 0,080 гр Na_2HPO_4 бўлган эритмага кўп микдорда $Al(NO_3)_3$ қўшилди. Ҳосил бўлган чўкманинг массасини ҳисобланг.

113. Химиявий тоза CaCO_3 ўзгармас массагача киздирилди ва 0,1525 г модда колди. Бунда неча грамм CO_2 ажралган?
114. Кимё тоза CaO ва BaO аралашмасидан 0,5178 г CaSO_4 ва BaSO_4 чўкмаси олинди. Олинган намуна таркибидаги Са ва Ва нинг фоиз миқдорини ҳисобланг.
115. Хажмий анализнинг моҳияти ва турлари.
116. Титрлашда қўлланиладиган реакциялар қандай талабларга жавоб бериши керак.
117. Қандай моддалар бошланғич моддалар дейилади ва улар қандай талабларга жавоб бериши керак.
118. Қуйидаги тушунчаларга таъриф бering: а) титрант, б) стандарт эритма, в) титрлашнинг охириги нуқтаси, г) эквивалент нуқта.
119. Стандарт эритмалар қандай усуллар билан тайёрланади?
120. Нейтраллаш усулида қандай индикаторлар ишлатилади ва улар қандай талабларга жавоб бериши керак?
121. Индикатор назариясининг моҳияти нимадан иборат?
122. 10 мл суюлтирилган сутни титрлаш учун 12,3 мл 0,1022 н NaOH эритмаси сарфланди? Сутнинг кислоталилигини "Т°" да ҳисобланг.
123. 10 мл сутнинг 10 марта суюлтирилгандан кейинги кислоталилиги 19,5 Т° га тенг бўлди. Шу сутни титрлаш учун 0,1058 н NaOH эритмасидан неча мл сарфланган?
124. 20 мл пивони титрлаш учун 6,3 мл 0,1031 н NaOH эритмаси сарфланди. Пивонинг кислоталилигини ҳисобланг.
125. 0,20 гр сут кислотасини нейтраллаш учун қанча NaOH кераклигини ҳисоблаб топинг.
126. 2,5 гр ёғ этил спиртда эритилди. Хосил бўлган эритмани титрлашда 1,3 мл 0,1055 н KOH эритмаси сарфланди. Ёғнинг кислоталилигини топинг.
127. Анализ қилинаётган ёғ таркибида 92 % пальмитин кислотасининг триглицериди бор. Шу ёғнинг 2 грамми совунлаш учун неча грамм KOH кераклигини ҳисобланг.

128. 0,01 м ли олеин кислотасини триглицеридини совунлаш учун канча(мл) KOH зарурлигини хисобланг.
129. 2 м моль олеин кислотасининг триглицеридини совунлаш учун канча (моль) KOH кераклигини хисобланг.
130. 4,315 мг-экв $NaOH$ ва 4,315 мг-экв $CaCO_3$ билан неча гр HCl билан реакцияга киришади?
131. 20 см³ H_3PO_4 нинг эритмаси (фенолфталеин иштирокида) 0,1н $NaOH$ нинг 27,50 см³эритмаси билан титрланди. H_3PO_4 нинг нормаллиги ва титрини P_2O_5 бўйича хисобланг.
132. 200 мл сувга 2,6113 г бура $Na_2B_4O_7 \cdot 10H_2O$ эритилган. Эритмани титрини ва нормал концентрациясини хисобланг.
133. 0,05 н 255 мл $NaOH$ эритмасини тайёрлаш учун 5 % ли эритмасидан неча мл олиш керак?
134. Титри 0,003556 гр/мл бўлган 2 л эритма тайёрлаш учун зичлиги 1,179 гр/мл бўлган HCl эритмасидан канча олиш керак?
135. Сульфат кислотанинг 180 мл 2,5 м ва 300 мл 4 м эритмалари аралаштирилди. Хосил бўлган эритманинг моляр концентрациясини хисоблансин.
136. 200 мл 0,2 н эритма тайёрлаш учун $d = 1,307$ г/см³ бўлган 40 % ли H_2SO_4 эритмасидан неча миллилитр олиш керак?
137. KOH нинг 0,2 н эритмасидан 500 мл тайёрлаш учун таркибида 20% сув бўлган KOH дан неча грамм керак?
138. Зичлиги 1,825 г/см³ га тенг бўлган 92% ли H_2SO_4 эритмасининг нормаллигини, титрини ва молярлигини хисобланг.
139. 250 мл сувда 3,1 гр K_2CO_3 эритилди. Эритманинг нормаллигини, молярлигини ва титрини хисобланг.
140. 4 л 0,5 н KCl эритмасига 2,5 гр KCl эритилди. Эритманинг хажми 5 л га етказилди. Хосил бўлган эритманинг нормал концентрациясини хисобланг.

141. 600 мл 0,1260 моль/л HCl эритмасига 450 мл 0,0978 моль/л HCl эритмаси кўшилди. Хосил бўлган эритманинг моляр концентрациясини хисобланг.
142. 2,0180 гр $H_2C_2O_4 \cdot 2H_2O$ намунасидан неча мл 0,05 м эритма тайёрлаш мумкинлигини хисобланг.
143. 100 мл эритмада 1,8838 гр $Na_2B_4O_7 \cdot 10H_2O$ саклаган. Эритманинг молярлигини, титрини хисобланг.
144. 0,5000 г сода 250 мл сигимли ўлчов колбасида эритилди. Эритманинг 50 мл ни метилоранж индикатор иштирокида титрлаш учун 24,00 мл H_2SO_4 эритмаси сарф бўлди. Бу эритманинг нормаллиги ва титрини хисобланг.
145. 0,1040 н 25,00 мл $NaOH$ нинг эритмасини титрлаш учун, 1л эритмада 9,7780 г концентрланган HNO_3 саклаган эритманинг 25,45 мл сарф бўлди. Эритмадаги HNO_3 нинг % микдорини хисобланг.
146. Техник ўювчи калийдан тайерланган эритмани титрлаш учун фенолфталеин иштирокида 0,0950 н HCl эритмасидан 22,40 мл сарф бўлган, метилоранж иштирокида титрланганда эса HCl нинг худди шу эритмасидан 25,80 мл сарф бўлган. Техник ўювчи калий таркибида канча KOH ва K_2CO_3 бор?
147. Na_2CO_3 ва $NaHCO_3$ аралашмаси эритмасининг 25 мл ни фенолфталеин иштирокида титрлаш учун H_2SO_4 нинг 0,1200 н эритмасидан 9,46 мл, метилоранж иштирокида титрлаш учун эса 24,86 мл сарф бўлган. Шу эритманинг 250 мл да неча грамм Na_2CO_3 ва неча грамм $NaHCO_3$ борлигини аникланг.
148. 100 мл "каттик" сувни титрлаш учун HCl нинг 0,0900 н эритмасидан 5,00 мл сарф бўлган бўлса, сувнинг карбонат каттиклигини хисобланг.
149. 100 мл сувга Na_2SO_3 нинг 0,1100 н эритмасидан 10,00 мл таъсир эттириб буглатилгандан сўнг ортиб колган Na_2SO_3 ни тескари титрлаш учун HCl нинг 0,1000 н эритмасидан 6,20 мл сарф бўлган бўлса, сувнинг каттиклигини хисобланг.

150. Хажмий анализнинг оксидланиш-кайтарилиш усуллари ва уларнинг мохияти тўғрисида қисқача маълумот беринг.
151. Нернст тенгламасини ёзиб, ундаги барча қийматларни характерланг.
152. Оксидланиш-кайтарилиш потенциаллари нима? Унга таъсир этувчи омилларни кўрсатинг.
153. Оксидланиш-кайтарилиш усулларида эквивалент нукта қандай аниқланади? Мисоллар келтиринг.
154. Оксидиметрик титрлашда автокаталитик реакциясининг аҳамияти нимада? Мисоллар билан тушунтиринг.
155. Оксидланиш-кайтарилиш индикаторлари нима? Бу индикатор ранги қандай қимёвий жараёнлар натижасида ўзгаради?
156. Оксидиметрик титрлаш усули ёрдамида қандай моддалар миқдорини аниқлаш мумкин? Мисоллар келтиринг.
157. Перманганатометрик усулнинг мохияти нимада? Нима учун KMnO_4 нинг стандарт эритмасини бевосита тўғри намунадан тайёрлаб бўлмайди?
158. Йодометрик усулнинг мохияти. Ишчи эритмаларини тайёрлаш ҳақида қисқача тушунча беринг.
159. Йодометрик анализ усули билан қандай моддалар миқдори аниқланади (тўғри, тесқари ва ўринбосарни титрлаш)? Мисоллар келтиринг.
160. Титриметрик анализда қўлланиладиган оксидланиш-кайтарилиш реакциялари қандай талабларга жавоб бериши керак?
161. Перманганатометрик, йодометрик ва хроматометрик анализ усуллари қандай афзаллик ва камчиликларга эга.
162. 500 мл ҳажмли қолбада 1,8750 гр KMnO_4 эритилди. Эритманинг кислотали ва ишқорий муҳит учун нормаллиги ва титрини ҳисобланг.
163. 0,0205 н KMnO_4 эритмасининг а) $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4$, б) Fe бўйича титрини ҳисобланг.
164. Калий перманганатнинг нормаллиги 0,01200 н га тенг. Унинг $\text{Na}_2\text{C}_2\text{O}_4$ ва KNO_2 бўйича титрини ҳисобланг.

165. 15 мл $H_2C_2O_4$ ни титрлаш учун 0,01830 н эритмасидан 8,30 мл $KMnO_4$ сарфланди. Оксалат кислотасининг нормал концентрациясини ва $KMnO_4$ бўйича титрини хисобланг.

166. $T_{KMnO_4 / H_2C_2O_4} = 0,00325$ г/мл бўлган $KMnO_4$ эритмасидан 1,5л тайёрлаш учун неча гр $KMnO_4$ кераклигини хисобланг. 50. 20 мл $Na_2C_2O_4$ титрлаш учун (кислотали мухитда) $T_{KMnO_4} = 0,005751$ г/мл $KMnO_4$ эритмасидан 21,40 мл сарф бўлди. $Na_2C_2O_4$ нинг шу эритмасидан 500 мл тайёрлаш учун неча гр $Na_2C_2O_4$ кераклигини хисобланг.

167. Таркибида аралашмалари бўлган KNO_2 тузининг 0,9457 grammi 300 мл сувга эритилди. Бу эритманинг 20,00 мл ни титрлаш учун 16,85 мл ($T_{KMnO_4 / FeO} = 0,007984$ г/мл) кислотали мухитда $KMnO_4$ эритмасидан сарф бўлди. Намуна таркибидаги KNO_2 нинг % микдорини хисобланг.

168. Агар 0,0700 г "темир" симни хаво киритмасдан H_2SO_4 да эритилгандан хосил бўлган $FeSO_4$, эритмасини титрлаш учун (кислотали мухитда) $KMnO_4$ нинг 0,0500 н эритмасидан 14,42 мл сарф бўлди. "Темир сим" таркибидаги темирнинг микдорини граммларда ва %-ларда хисобланг.

169. Таркибида MnO_2 бўлган 0,2000 г руда (кислотали мухитда) 25,00 мл $H_2C_2O_4 \cdot 2H_2O$ билан ишланди. Реакцияга киришмай колган $H_2C_2O_4 \cdot 2H_2O$ ни титрлаш учун (кислотали мухитда) $KMnO_4$ нинг 0,2000 н эритмаси билан тескари титрланганда 20,00 мл сарф бўлди. Агар 25,00 мл $H_2C_2O_4$ эритмасини титрлаш учун 45 мл $KMnO_4$ эритмаси сарф бўлиши маълум бўлса, рудадаги марганецнинг фоиз микдорини хисобланг.

170. Агар 25,00 мл $CaCl_2$ эритмасига $(NH_4)_2C_2O_4$ 0,1000 н эритмасидан 40,00 мл кўшиб, хосил бўлган CaC_2O_4 чўкмани ажратиб олгандан сўнг реакцияга киришмай колган ортикча $(NH_4)_2C_2O_4$ ни титрлаш учун $KMnO_4$ нинг 0,0200 н эритмасидан 15,00 мл сарф бўлса, 250,0 миллилитр $CaCl_2$ эритмасида неча гр кальций бўлади?

171. 0,1812 г калий хлорат саклаган эритмага 100 мл 0,08520 н $Na_2C_2O_4$ эритмаси кўшилган. Ортиб колган натрий оксалатни титрлаш учун 48,69 мл

0,05 н $KMnO_4$ эритмаси сарф бўлган. Намуна таркибидаги $KClO_3$ нинг % микдорини ҳисобланг.

172. 0,7327 г мармар тошнинг кислотада эришидан ҳосил бўлган эритмага 1,4960 г $(NH_4)_2C_2O_4 \cdot H_2O$ саклаган эритмадан кўшиб эритманинг умумий ҳажми 200 мл га етказилган. Ҳосил бўлган чўкма филтрланган. Филтратнинг 25,00 мл ни титрлаш учун 0,05 н 19,90 мл $KMnO_4$ эритмасидан сарф бўлган. Намуна таркибидаги CaO нинг % микдорини ҳисобланг.

173. 2,6770 г техник Na_2SO_3 дан 200 мл эритма тайёрланган. Ҳосил бўлган эритманинг 20,00 мл ни титрлаш учун (кислотали муҳитда) 19,20 мл $KMnO_4$ эритмасидан ($T_{KMnO_4/Fe} = 0,005585$ г/мл) сарф бўлган. Намуна таркибидаги Na_2SO_3 % микдорини ҳисобланг.

174. Анализ қилинаётган намуна таркибида 6 мг глюкоза бор. Шу намунани титрлаш учун 0,0212 М $KMnO_4$ эритмасидан неча мл сарфланишини ҳисобланг.

175. 250 мл сугимли ўлчов колбасида 1,1250 г $K_2Cr_2O_7$ эритилди. Тайёрланган эритманинг 25,00 мл ни титрлаш учун 24,22 мл натрий тиосульфат сарф бўлди. $Na_2S_2O_3$ эритмасининг нормал концентрациясини ва титрини ҳисобланг.

176. 0,05 н 25,00 мл $Na_2S_2O_3$ эритмасини титрлаш учун, канча $K_2Cr_2O_7$ керак.

177. 0,1150 г химиявий тоза $K_2Cr_2O_7$ саклаган эритмага кислотали шароитда КЈ кўшилган. Ажралиб чиққан йодни титрлаш учун 24,80 мл $Na_2S_2O_3$ сарф бўлган. $Na_2S_2O_3$ ни титрини ҳисобланг.

178. 0,8432 г Na_2S саклаган 200 мл эритманинг, 20,00 мл ни титрлашда 14,42 мл 0,1 н йод эритмасидан сарф бўлган. Na_2S нинг % микдорини ҳисобланг.

179. 3,7900 г $FeCl_3$ саклаган 250 мл эритманинг, 25 мл га кислотали муҳитда КЈ кўшилди. Ажралиб чиққан йод 32,10 мл 0,1 н $Na_2S_2O_3$ эритмаси билан титрланди. $FeCl_3$ нинг % микдорини ҳисобланг.


180. 500 мл 0,02 м эритмада неча гр $Na_2S_2O_3$ борлигини ва эритманинг йод бўйича титрини ҳисобланг.

181. Чўктириш усулининг моҳияти нимада?

182. Чўктириш усулида эквивалент нуктани аниклаш.
183. Комплексонлар хакида тушунча беринг
184. Металл индикаторлари нима?
185. 25,00 мл 0,05 н $AgNO_3$ эритмаси билан неча гр $NaOH$ реакцияга киришади.
186. 46,16 мл $AgNO_3$ эритмасини титрлаш учун, титри 0,005000 г/мл тенг бўлган 25,00 $NaCl$ сарф бўлди. $AgNO_3$ титри ва нормалигини хисобланг
187. 0,7315 г $NaCl$ эритиб 250 мл стандарт эритма тайёрланди. Тайёрланган стандарт эритманинг 25 мл ни титрлаш учун 27,85 мл $AgNO_3$ сарф бўлди. $AgNO_3$ нинг нормаллигини ва титрини хисобланг.
188. 25,00 мл KJ ни титрлаш учун 0,1050 н 34,00 мл $AgNO_3$ эритмаси сарф бўлди. 250 мл KJ эритмасида неча гр KJ борлигини хисобланг.
189. Таркибида 6,50 г/л KCl саклаган 12,00 мл эритмани титрлаш учун 0,1000 н $AgNO_3$ эритмасидан неча мл керак?
190. Таркибида 28,0 % хлор бўлган 0,2734 г намунани титрлаш учун 0,0500 н $Hg(NO_3)_2$ эритмасидан канча хажм керак?
191. 0,1 н $AgNO_3$ эритмасидан 4 л 0,05 н эритма тайёрлаш учун канча сув олиш кераклигини ва эритманинг титрини хисобланг.
192. 0,025 н 250 мл кумуш нитрат эритмасини тайёрлаш учун таркибида 3,98 % кумуш саклаган аралашмасидан неча грамм олинади?
193. 0,1052 г химиявий тоза $NaCl$ саклаган 20 мл эритмани титрлаш учун 0,05 н ли $AgNO_3$ эритмасидан неча мл сарф бўлади?
194. а) 15 мл 0,08888 н $NaCl$, б) 51 мл 0,1111 н KBr эритмаларини титрлаш учун 0,1000 н $AgNO_3$ эритмасидан неча мл сарфланишини хисобланг.
195. 1,5 л 0,02 н эритма тайёрлаш учун "Трилон Б" дан неча гр олиш керак?
196. 20,00 мл "Трилон Б" эритмасини титрлаш учун 0,1120 н. $ZnSO_4$ эритмасидан 19,50 мл сарфланди. "Трилон Б" эритмасининг нормаллиги ва титрини хисобланг.

- 197.** 1,3250 г куритилган CaCO_3 250 мл ли ўлчов колбасида эритилди. Тайёрланган эритманинг 25,00 мл ни титрлаш учун 26,47 мл "Трилон Б" эритмаси сарф бўлди. "Трилон Б" эритмасини кальций бўйича титрини ва нормал концентрациясини ҳисобланг.
- 198.** 100 мл сув "Кора хромоген Т" индикатори кўк рангга киргунча 0,1012 н 19,20 мл "Трилон Б" эритмаси билан титрланди. Магнийнинг сувдаги концентрациясини мг экв/л-да ҳисобланг.
- 199.** Таркибида Mg бўлган алюминий котишмасидан 0,5000 г олиб эритилди. Эритмадаги халакит берадиган ионлар йўқотилиб, эритмани 20,00 мл ни титрлаш учун 12,06 мл 0,01000 н "Трилон Б" эритмасидан сарф бўлди. Алюминий котишмаси таркибидаги Mg ни фоиз микдорини аниқланг.
- 200.** Таркибида Mn бўлган мис котишмасидан 0,2062 г намуна олиб, эритилди. Эритма таркибидаги халакит берадиган ионлар йўқотилди. Эритмадаги Mn ионини титрлаш учун 15,42 мл 0,0500 н Трилон Б эритмаси сарф бўлди. Котишма таркибидаги Mn фоиз микдорини аниқланг.
- 201.** Таркибида 20 % Al_2O_3 бўлган силикат кайта ишланиб, 10 мл 0,1 н Трилон Б билан титрланди. Анализ қилиш учун қанча микдорда силикат олинганлигини ҳисобланг.
- 202.** 55 мл сувни титрлаш учун 0,555 н "Трилон Б" эритмасидан 4 мл сарфланди. Сувнинг каттиклигини ҳисобланг.
- 203.** Сувнинг каттиклиги 9 моль/л га тенг. Шу сувнинг 88 мл ни титрлаш учун 0,0555 н "Трилон Б" эритмасидан неча мл сарфланади?
- 204.** 5 мл сут таркибидаги кальций тузлари микдорини аниқлаш учун 0,0555н. "Трилон Б" эритмасидан 0,65 мл сарфланди. Сут таркибидаги кальций тузларининг % микдорини ҳисобланг.
- 204.** Потенциометрик анализ усули нимага асосланган?
- 205.** Электрод нима ва унинг турларига умумий характеристика беринг?
- 206.** Металл-эритма сиртида потенциал ҳосил бўлишига сабаб нима?
- 207.** Электроднинг потенциал қийматига қандай омиллар таъсир қилади.

208. Потенциометрик титрлашнинг мохияти нимада? Эквивалент нукта ва потенциал сакрама тушунчаларини изохланг.
209. Потенциометрик титрлашда эквивалент нуктани аниклаш усулларини тушунтиринг.
210. Потенциал сакрама ва унга таъсир килувчи омилларни тушунтиринг.
211. Потенциометрик титрлашда борадиган реакцияларга кандай талаблар кўйилган?
212. Нима учун потенциометрик усул асосида гальваник элемент ётади?
213. Оксидланиш-кайтарилиш реакцияси учун Нернст тенгламасини ёзиб изохланг.
214. Нормал, реалъ ва мувозанат потенциаллари нима?
215. Оксидланиш-кайтарилиш реакциялари йўналиши кандай аникланади?
216. Потенциометрик титрлашнинг афзалликлари ва камчиликлари нимада?
217. Стандарт электрод потенциаллари нима? Мисоллар билан тушунтиринг.
218. Гальваник элемент ва унинг ЭЮК нима? Нима учун потенциометрик усулда гальваник элемент бўлиши шарт?
219. ЭЮК нинг ўлчаш нимага асосланган?
220. Индикатор электрод деб, нимага айтилади? Мисоллар келтиринг.
221. Водород кўрсаткичи нима ва унинг кийматини ўлчашда кандай электродлар ишлатилади?
222. Индикатор водород электродга нисбатан шиша электрод кандай афзалликларига эга?
223. Биринчи тур электродлар учун Нернст тенгламасини ёзинг. Бундай электроднинг киймати ва ишораси нималарга боғлиқ?
224. Сувли эритмада борадиган оксидланиш-кайтарилиш реакцияси учун Нернст тенгламасини ёзинг.




225. Сувли эритмаларнинг pH нинг ўлчашда индикатор электрод сифатида кандай электродлар ишлатилади?

226. Куйидаги реакция $2Ag^+ + CrO_4^{2-} = Ag_2CrO_4$ борадиган гальваник элементнинг схемасини ёзинг.

227. Куйидаги реакция $Co + 2[Fe(CN)_6]^{3-} \rightarrow Co^{2+} + 2[Fe(CN)_6]^{4-}$ борадиган гальваник элементнинг схемасини тузинг.


228. Водород электроднинг стандарт потенциали деб нимага айтилади? Изох беринг.

229. Куйидаги кимёвий реакция борадиган гальваник элементнинг шартли схемасини келтиринг.



230. Шартли электрод потенциали ёки водород шкаласига нисбатан олинган электрод потенциали деб нимага айтилади?

231. Куйидаги гальваник элементларда борадиган электрокимёвий реакцияларнинг тенгламаларини ёзинг.



232. Куйидаги реакция $Zn + 2Fe^{3+} \rightarrow Zn^{2+} + 2Fe^{2+}$ борадиган гальваник элементнинг схемасини ёзинг.

233. Куйидаги реакция $Cd + CuSO_4 \rightarrow CdSO_4 + Cu$ борадиган гальваник элементнинг схемасини ёзинг.

234. Газ хлорли электродда - Cl^- / Cl_2 , Pt борадиган кимёвий реакцияни ва унинг электрод потенциалини хисоблаш формуласини ёзинг.

235. Каломель электродда - $KCl, Hg_2Cl_2 / Hg$ борадиган кимёвий реакция тенгламасини ва унинг электрод потенциалини хисоблаш формуласини ёзинг.

236. $Fe^{2+}, Fe^{3+} / Pt$ - электродда борадиган кимёвий реакция тенгламасини ва унинг электрод потенциалини хисоблаш формуласини ёзинг.

237. $Pt, H_2 / HCl, AgCl / Ag$ гальваник элементда борадиган кимёвий реакция ва унинг ЭЮК-ни хисоблаш формуласини ёзинг. Водороднинг босимини бирга тенг деб олинг.

238. Стандарт электрод потенциалнинг киймати кандай омилларга боғлиқ.


239. Эквивалент нукта якинида индикатор электроднинг потенциални кескин ўзгаришига сабаб нима?

240. Потенциал сакрашга сабаб нима? қандай омиллар таъсир қилишини кўрсатинг ва тушунтиринг.

241. Эритмада $pH = 6$ бўлганда, $[H^+]$ ни потенциометрик ўлчаганда шиша ва кумуш хлорид электродларда борадиган реакция тенгламани ёзинг.

242. Буфер эритмалар ёрдамида шиша электродни даражалашни тушунтиринг.

243. Берилган гальваник элементнинг ЭЮК $t = 25^\circ C$ да $0,250\text{ В}$



0,1m каттик

эритма

тенг. Берилган эритмадаги ионларнинг активлик коэффициентини топинг.

244. 200 мл сувда 28 г $ZnSO_4$ эритилган, эритмага туширилган рух электроднинг ($t=25^\circ C$) водород электродга нисбатан потенциални ҳисобланг.

